140296

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 март куни АҚШнинг хориждаги хусусий сармоялар бўйича корпорацияси (ОПИК) президентининг биринчи ўринбосари Сюзан Левин хоним ҳамда савдо ва тараққиёт бўйича мустақил агентлиги (ТДА) минтақавий директори Даниэл Стайнни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги манфаатли ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани, айниқса, республикамиздаги улкан табиий бойликларни ўзлаштиришда АҚШнинг йирик фирмалари билан кенг ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлади. ОПИК ва Тараққиёт агентлиги америкалик сармоядорларни Ўзбекистонга жалб этиш ишига катта ҳисса қўшмоқда ва биз бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада равнақ топтиришдан манфаатдормиз, деди Президент Ислом Каримов.

Меҳмонлар дунёдаги юздан ошиқ мамлакатга молиявий, суғурта ва бошқа хизматлар курсатаётган АҚШнинг ҳукумат агентлиги — ОПИК ҳамда Тараққиёт агентлиги Узбекистон иқтисодиётида америкалик хусусий тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш борасидаги ҳаракатларини янада жонлантиришларини маълум қилдилар.

Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари, жумладан, нефть конларини ўзлаштириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мухокама этилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир булди.

* * *

АҚШнинг мамлакатимизда меҳмон булиб турган ОПИК ҳамда савдо ва тараққиёт бўйича агентлиги делегациялари аъзолари Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Уткир Султонов, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясида Бош вазир ўринбосари Қаюм Ҳаққулов билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 2 март, шанба № 27 (21.948).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Самимий қутлов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сизнинг муқаддас байрам — Ийд ал фитр муносабати билан юборган қутловингизни олиш шарафига муяссар бўлдим. Жаноби олийлари, Сизни ҳам самимий қутлайман ҳамда энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Қодир Аллоҳдан Сизни ўз паноҳида асраб, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, ўзбек халқини тараққиёт ва фаровонлик йўлидан бошқариб боравершингизда муваффақиятлар ато этишини, Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида халқингизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришини илтижо қиламан.

Камоли эҳтиром ила:
Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик Ташкилоти Раиси,
Фаластин Миллий Қўмитаси Раиси.

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

29 февраль куни Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1995 йилги якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Олий Мажлис қўмиталари раислари иштирок этди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастлабки самараларини бера бошлади, — деди Президент мажлисни очар экан. — Бу ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръатлари тўхтатилганида, пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Шу маънода ўтган 1995 йил бурилиш йили бўлди дейишга ҳақлимиз. Бу халқимизнинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати самарасидир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Жорий йилда олдимизда бундан ҳам улкан вазифалар турибди. Уларни бажариш учун утган йил якунларидан керакли хулосалар чиқаришимиз, иш фаолиятимизнинг заиф нуқталарини аниқлашимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излаб топмогимиз зарур. Хусусан, халқ хўжалигида таркибий узгаришларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу — ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг неча фоизига харидор бор, кераксиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайдими, корхона ва хўжаликлар кишиларга қандай манбалар ҳисобидан маош тўлайди — шу каби саволларга олдиндан жавоб топмоқ демакдир. Шу ўринда айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани ҳолда ишловчилар сони асосан сақланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Уларга нима ҳисобидан маош тўланяпти?

Ҳар бир тармоқ, бирлашма, корхона раҳбарининг фаолиятига у юқоридаги каби масалаларни ҳал этишда нечоғлиқ билим ва қобилиятга эга эканига қараб баҳо беришимиз лозим. Бундай масалаларни ҳал этмаётган, ватанпарварлик ҳиссидан бегона, шу куним утса булди, дея боқимандалик кайфияти билан яшаётган айрим раҳбарлардан воз кечиш пайти етди. Шундай қилмасак, бозор талабини урганиб иш юритадиган, хорижий сармоядорларга Узбекистоннинг имкониятларини, халқимизнинг инсоф-диёнатли эканини тушунтирадиган, бу ерга сармоя қуйсанг, ҳеч қачон доғда қолмайсан, деган гапларни уларга уқтириб, инвестициялар олиб келадиган ташаббускор раҳбарларга таянниб ишламасак, иқтисодиётимизнинг муаммоларини ҳал этишимиз қийин кечади.

Долзарб масалалардан яна бири пул эмиссияси миқдорини камайтиришдир. Бунинг сабаби шундаки, жойларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, ихчам-ихчам корхоналар ташкил этиш, пулли хизмат кўрсатиш ишлари ниҳоятда сустакашлик билан амалга оширилаётир. Бу эса пул айланишини секинлаштирмоқда. Оқибатда айрим жойларда иш ҳақи вақтида тўланмаяпти. Бу масалага жиддий эътибор бериш, унинг нафақат иҳтиёмий, балки сиёсий масала эканини англаб етмоқ зарур. Бу муаммоларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучи мавжудлигига бориб тақалади. Бу эса етиштирилаётган ҳосилнинг таннархи ортиб кетишига сабаб бўлаётир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Биз мана шу муаммони — икки миллиондан зиёд ишловчини қишлоқ хўжалигидан саноатга жалб этиш масаласини ҳал қилмас эканмиз, ислоҳотларни олга силжитиш қийин бўлади. Бунинг учун эса республика вазирликлари, идора ва ташкилотлари, ҳокимликлар хўжаликларга янги иш жойлари ташкил этишда амалий ёрдам беришлари керак. Хусусан, бу борада аниқ дастурлар ишлаб чиқиш, уларда бир ишчи ўрнини ташкил этиш қанча маблағ талаб этади, тузилган корхона қандай самара беради, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Чунки иш жойи бўлса, даромад ҳам бўлади, унинг эвазига мактаб ҳам, касалхона ҳам, спорт иншоотлари ҳам қурилади. Демоқчиманки, қишлоқ хўжалиги бўйича аниқ сиёсат ўтказилиши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз назоратига олмоғи даркор. Бунда ишлаб чиқарувчиларнинг, деҳқонларнинг зарар кўрмаслигига эътибор бериш, уларнинг манфаатини қонун йўли билан ҳимоя қилиш одат тусига кириши зарур.

Кейинги йилларда юртимизда бир қанча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, шаҳар ва қишлоқларда юзлаб салобатли, кўркам бозорлар қурилди. Бу ҳаммамизни қувонтиради, албатта, деди Президент. Лекин давлат маблағи, халқимиз меҳнати эвазига қурилган бу бозорлар кимларнинг қўлига бериб қўйилмоқда? Уларда ҳозир ким ҳукмрон? Маҳсулот етиштирган деҳқонми ёки олибсотарларми? Бу масалаларни ҳам ҳокимлик ва ҳуқуқ идоралари ҳал этиши керак.

Хуллас, айтмоқчиманки, ҳар ким ўз жойида зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда қатъият билан ишлаши, юқоридан буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтирмаслиги зарур. Яқинда россиялик журналистлар билан учрашувда таъкидлаганимдек, ривожланган мамлакатларда шундай система қарор топганки, иқтисодий тармоқлар мустақил равишда ишлайверади. Уларни биров туртиб туриши шарт эмас. Биз ҳам ана шундай структура яратишимиз керак. Токи, иқтисодиётни қонун ва қарорлар бошқарсин. Зеро, республикада бу борада зарур қонунлар қабул қилинган. Улар бизнинг ютуғимиз. Таъбир жоиз бўлса, бойлигимиздир.

Ватанимизнинг гулдаб яшнаши учун, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳар биримиз дилимизга мана шу Ватан туйғусини жо қилиб, узимизни унга содиқ фарзанд, деб билиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз керак, деди Президент пировардида. Ана шундагина биз кўзлаган мақсадларга эришамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажагини бунёд этиш ишига ҳисса қўшган буламиз.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари — «Узстиқболстат» давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раиси В. Чжен, шунингдек, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Э. Ғаниев ва бошқалар сўзга чиқди.

Президент Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли дўстлар!

Аввало йил натижаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилиш жараёни ва тартиби ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Ўзи, якун ясашнинг асл моҳияти ва мақсади нимадан иборат бўлиши лозим?

Биринчидан, содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини теран англаб етишимиз, ўтган давр мобайнида қилинган ишларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Нима ҳисобидан ва қайси омиллар эвазига қандай натижаларга эришганимизни, ижобий силжишларимизнй янада мустаҳкамлаш учун нима ишлар қилишимиз зарурлигини аниқлаб олишимиз даркор.

Асосий масала қўйилган у ёки бу вазифанинг нима учун охирига етказилмагани сабабларини излаб топишдир. Нега айрим вилоятларда, иқтисодиётнинг муайян соҳа ва бўғинларида оқсашга йўл қўйилди, бунинг сабаблари нима?

Иккинчидан, аниқланган сабаб ва омиллар асосида иқтисодиётни халқалари бир-бирига чамбарчас боғланган ягона занжир деб билиб, унинг заифлашиб қолган муайян тузилма, бўлинма ва бўғинларини кўрсатиб бериш керак бўлади.

Ишни эплай олмаётган ёки янгича ишлашни хоҳламаётган раҳбарларни — менинг бундай дейишга тўла асосим бор — аниқлаш керак. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни ислоҳ қилишда оқсашга йўл қўйган ҳақиқий айбдорни топиш вақти етди. Лекин танқид аниқ ва асосли бўлиши лозим.

Иқтисодиётни ягона тирик жонга қиёслаш мумкин. Кўп жойларда ўз мансабига нолойиқ раҳбар касофатидан бир бўғинда ишларнинг барбод бўлиши, муттасил оқсаши бутун бошли ислоҳотлар механизмининг бир жойда деп синиб қолишига олиб келиши муқаррар.

Учинчидан, якун ясашдан бош мақсад — танқидий таҳлил ва **тегишли хулосалар чиқариш асосида амалдаги ислоҳотлар йўлига зарур тузатишлар киритишдир.**

Муҳими, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганидек, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга қандай тузатишлар киритишни, қайси масалалар бўйича янги, қўшимча Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш, бошқарув тизими ҳамда амалдаги хўжалик юритиш механизмини қай йўсинда ўзгартиришни аниқлаб олишдир.

Ислоҳотларнинг дастурий йўлига тузатишлар киритмай, шошилинч қарорлар қабул қилмай туриб, узлуксиз ва изчил олга силжишимизни, шунинг баробарида ислоҳотларимизнинг ортга қайтмаслигини таъминлаб бўлмайди.

Асосий мақсадимиз фақат якун ясаш — сарҳисоб қилиш эмас, аксинча, муаммо ва заиф жойларни рўйрост очиб ташлаш, улар юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ва яна бир муҳим мақсад — ислоҳотларнинг ўзига керакли тузатишлар киритишдир, уларни бундан буён чуқурлаштириш учун ҳуқуқий замин ҳозирлашдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Сизларга тарқатилган ҳужжатлар ва қилинган маърузаларда 1995 йил иқтисодий ва ижтимоий якунларининг кўрсаткичлари эътиборингизга етказилди.

Шунинг учун ҳам улар тўғрисида батафсил такроран гапиришга ҳожат йўқдир, деб ўйлайман.

Ислоҳотларнинг ўтган йилги асосий натижалари ҳақида гапирар экан-миз, **биринчи ва асосий хулоса** шуки, 1995 йил кўп жиҳатдан жамиятимизни, иқтисодиётимизни, қолаверса, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди.

Йил якунлари биз ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор жиҳатлари тўғри эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши суръати амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар бўйича ўсиш суръатларига эришилди.

Ички ялпи маҳсулот 1995 йилда 1994 йил даражасига нисбатан 96 фоиз бўлади деб мўлжал қилинган эди, аслида эса 98,8 фоизни ёки 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган миллий даромад 98,5 фоизга етди.

Давлат бюджети камомади 3,5 фоиз этиб белгиланган эди, амалда эса 3,0 фоиздан ошмади.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди.

Асосий тармоқларни ривожлантириш бўйича халқимиз олдида очиқ юз билан ҳисобот беришимиз мумкинки, **ёқилғи-энергетика соҳасида натижалар 100,7 фоиз, машинасозликда 124,6 фоизга чиқди. «Ўзавтосаноат» уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 фоиз, «Ўзмашсаноат» уюшмасида 134,3 фоиз, кимё саноатида 113,0 фоиз, мебелсозлик саноатида 111,5 фоизга** кўтарилди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди.

1995 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Деҳқончиликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан иқтисодга қўйилган сармоя — капитал маблағлар ўсиши 102 фоизни ташкил қилди.

Азиз дўстлар, Ўзбекистонимиз эришган яхши натижаларни янада яқ-қолроқ тасаввур этиш учун ўз юртимизни яқин қўшниларимиз билан таққослаб кўрайлик.

Барча тармоқ ва соҳаларни ўз таркибига оладиган **ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми** Ҳамдўстлик мамлакатлари билан солиштирганда 1990 йилга нисбатан 1995 йил кўрсаткичлари қуйидагича:

Ўзбекистон — 81,1 фоиз
Россия — 62,2 фоиз
Беларусь — 60,5 фоиз
Қирғизистон — 50,3 фоиз
Қозоғистон — 45,4 фоиз
Украина — 44,4 фоиз

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича аҳвол 1995 йилда 1990 йилга нисбатан қуйидагича:

Ўзбекистон — 89 фоиз
Беларусь — 73 фоиз
Россия — 67 фоиз
Украина — 61 фоиз
Қирғизистон — 57 фоиз
Қозоғистон — 54 фоиз

1995 йилда **саноат ишлаб чиқариш ҳажми** 1990 йил натижаларига нисбатан — Қирғизистонда 35 фоизни, Қозоғистонда — 48, Россияда — 50, Украинада — 53, Беларусда — 61 фоизни ташкил этган бўлса, **Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99,9 фоизга тенг бўлди.**

Бу рақамга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Яъни, биз амалда ҳали иттифоқ пароканда бўлмасдан саноат бир маромда ишлаган даврдаги тараққиёт даражасини қўлга киритдик.

Бу кўрсаткичларни биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Бу кўрсаткичлар Ҳамдўстлик мамлакатлари давлатлараро статистика комитетининг 1995 йил якунларига бағишланган расмий ҳужжатларидан олинди.

Ўзбекистон эришган натижаларни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан қиёслаган, таққослаган ҳолда, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканини, Ўзбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганини амалда тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар барча ислоҳотларимиз пойдеворида турган асосий тамойилларимизнинг тўғри эканини исботлайди.

Яна бир эришилган натижа: ислоҳотлар жараёни учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди. Бу ўз навбатида ислоҳотлар барқарорлигига, уларнинг узлуксиз олга силжишига имкон туғдирди.

Учинчи хулоса: иқтисодиёт ва молияни барқарорлаштиришда сезиларли натижаларга эришилди. Инфляция даражаси ўтган йилга нисбатан 3,7 марта қисқарди. 1995 йил январь ойидаги инфляция, яъни нарх ўсиши 16,9 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойида 2,2 фоизни ташкил қилди. Бу иқтисодиётни жонлантиришни ва унинг бундан буёнги ўсишини таъминлашни олдимизга стратегик вазифа сифатида қўйишга асос беради.

Тўртинчи хулоса: миллий валютамиз барқарорлашиб, барқарорлашиб бормоқда. Республика валюта биржасида мунтазам равишда савдо ўтказилиб турибди. Сотилаётган эркин муомаладаги валюта ҳажми кўпайди, яъни 1,3 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу 1994 йилдагидан 11 марта кўп демакдир.

Бешинчидан, кучли ва адресли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши сўнгги йилларда фақатгина одамлар турмуш даражасининг ўсишга эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишга ҳам олиб келди.

Аҳолининг реал даромадлари, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, 1995 йили ундан олдинги йилга нисбатан тахминан 40 фоиз ортди.

Йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

Ўтган йили 500 мингга яқин эҳтиёжманд оилалар маҳалла қўмиталари орқали ҳар ойда нафақалар олиб турди. Йил давомида эса 6 миллиард сўм нафақа тўланди.

Жамиятимиз учун янги бир жараён ўз таъсирини кўрсата бошлади. Акциялар бўйича тўланаётган дивидендлар хизматчиларнинг даромад манбаларидан бирига айланмоқда. Бир неча мисол келтиришим мумкин: «Нефтгазтаъмир» ҳиссадорлик жамияти йил якунлари бўйича 30,5 мил-

(Давоми 2-бетда).

АВВАЛ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ, СЎНГ ТОРТИБ ОЛИНДИ

Фельетон ўрнида

Мол-мулк ўзингники бўлсагина уни авайлайсан. Ўшандан-да юртимизда катта-кичик корхоналарни хусусийлаштиришга киришилди. Уларни давлат тасарруфидан чиқариш фойда эканлигини кўриб турибмиз. Мулкдор инон-ихтиёридаги корхона, ташкилот равнақига кучини, меҳрини берган. Кўз қорачиғидек асрабон фойдасини олаяпти. Чунки у ўзиники. Фақат ўзиники.

Эгалик ҳисси, хўжайинлик масъулияти хусусий бўлган дукон, фирмани гуллатди. Давлат тасарруфидан чиққан неки бор ҳамёни бақувват. Йўлини топиб олди. Маҳсулоти мўл. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг мақсади ҳам шу. Халқни бойитиш. Корхоналар қаддини ростлаш.

Даврнинг талаби, халқнинг талаби, Президентимиз талаби бўлган бу каби ислоҳотларга ҳаммаям ҳайрихоҳми? Бюрократлик барҳам топганми? Боримизни ошириб, йўғимизни яшириямизми?

Буни билганлар, қурганлар, бошига тушганлар айтсин.

... Қибрай қурилиш материаллари комбинати сўнгги йилларда анча камбағаллашиб қолди. Чиқарган маҳсулотлари пулини вақтида ололмайди. Бировга қарзини белгиланган дамда беролмайди. «Пахта-банк»дан олган кредит ҳисобига 2 миллион 550 минг, солиқ тизими бўйича 864 минг сўм қарздор. Узидан юқори бўлган идоларнинг «берасан»ига биноан 18-қучма механизациялашган колонна 1 миллион 166 минг 837 сўмлик қурилиш материали олганди. Икки йилки, пулини қайтаргани йўқ. 5-КМКнинг гарданидаям 1 миллион 344 минг 512 сўм турибди. Комбинатнинг жами 3 миллион 809 минг 573 суми юқоридаги каби ташкилотларнинг саккизтаси «ҳамени»да сақланмоқда. Изни ўзида бўлмагач, қийинда. Юқори ташкилотнинг айтгани эса қонун.

Бир йилдан ошди. Маҳсулот камлигидан ёғоч, темирни қайта ишлайдиган цех ишлаб-ишламайди. Цемент, қум, шағал, оҳакни вақтида олишга маблағ йўқ. Шундан ўтган йили маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Ишчилар уч ойлаб маошини ололмади. Корхона 1995 йилда атиги 25 минг сўм даромад қилди?!

Бу инқироз, боқимандаликдан қутулишнинг ягона паноҳи ислоҳот эди. Жамоа буни дарров ҳис этди. Комбинатни давлат тасарруфидан чиқариб, 20 йилдан буён шу ерда муҳандис, кейин бошлиқ лавозимида ишлаб келаётган Болтабой Умаров номига хусусийлаштиришни истаб, қарор қабул қилди. Керакли ҳужжатлар йиғилиб, у Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига тақдим этилди.

Утган йилнинг 20 сентябрида бошқарма бошлиғи В. Лозицкийнинг имзоси билан чиқарилган 1334-О сонли буйруққа кўра, Қибрай қурилиш материаллари комбинатининг хусусийлаштирилишига розилик берилди. Объектнинг устав фонди, мулкий, эваз қиймати баҳоланди.

Ислоҳотнинг бу тантанасидан жамоа хурсанд. Умаров хурсанд. Эшитган биродарлар хурсанд. Энди шу буйруқнинг 6-бандига кўра тулов эътиборан 15 кун давомида утказилиши керак эли. Уринишқийналдик — дейди Болтабой ака. — Айниқса, охирги суммани. Шу сабабдан зўрга 22 декабрда сўнгги ҳисоб-китоб қилинди. Юмушнинг битса, елкангдан тоғ ағдарилгандай бўлади. Охирги пулни тўладиму, ўзимни енгил сездим ўша чоғ. Кайфиятим зўр, денг.

Болтабой ака ўзи айтган зўр кайфиятда икки-уч бор хусусийлаштириш бўлимига кирди. Ордер олгани. Алқисса, бир даъфа — 1996 йил январи охирларида унга 1995 йил 14 декабрда чиққан 2109-Д сонли буйруқни тутказдилар.

«Давлат мулкини ўзгартириши бобида тўлов бериш бажарилмагани учун Қибрай ҚМКни Б. Умаровнинг шахсий мулки деб хусусийлаштиришга берилган 1334-О буйруқ бекор қилинсин. Бошқарма бошлиғи В. Лозицкий».

Янги-янги режалар оғушида юрган Б. Умаровга бу қаттиқ таъсир қилди. Елиб-югуриб, қарз кутариб бир миллиондан зиёд пул топиб туласа-ю шумшайиб қолаверса. Буни ҳазм қилиб бўладими? Қолаверса, тулов вақтидан кечикканига ҳар кун учун 0,2 фоиз пеня ҳам берган. Чунки бекор қилинган буйруқнинг 6-банди б/ қисмида бу кўрсатилганди-да.

Жамоаси, таниш-билишлари олдида Умаровнинг юзи шувут бўлиб юрган кезларида Тошкент туманидаги 4-қучма механизациялашган колонна бошлиғи Зокир Тошниёзов ҳам бошини чангаллаб юрарди. Негаки, унинг-да корхонасини хусусийлаштириш ҳақида лар шунга қаратилди. Аммо пул топиш қийин кечди. Ушандан-да, Б. Умаров бошқармага хат ёзиб, тулов муддатини узайтиришни суради. Шунгача белгиланган миқдорнинг 90 фоиз суммаси айтилган ҳисоб рақамига утказилганди.

— Тан оламан. Пул тўплашда ҳар ҳолда бунинг охирига етиш керак эли. Етилдиям. Билсак Тошкент вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига хат тушади. Утган йил 18 декабрда 01/337 ва 01/338 рақами билан. Уни «Вилсаноатфуқароқурилиш» трести бошқарувчиси Р. Исоқов ёзган:

«4-КМКни трест таркибидаги корхоналарда 1,1 миллион сўмдан ортиқ қарзи бор. Биз рухсат бермаганмиз. Унинг хусусий бўлаётганидан бехабармиз. Шунча қарзни узолмаётган бир пайтда юқори ташкилот рухсатисиз хусусийлаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас».

Топган баҳонасини қаранг. Бунга қандай фикр билдиришга дол қолиб, иккинчи хатни ўқиймиз. *«Қибрай қурилиш материаллари комбинати трестнинг барча бўлинмалари иштирокида ташкил этилиб, уларнинг кучи билан қурилган. У шу трест ташкилотларини қурилиш материаллари ва темирбетон конструкциялари билан таъминлашга мўлжаллангани. Мана шу сабабларга ва ишлаб чиқариш эҳтиёжига кўра, трест унинг хусусийлаштирилишига қарши. Трест бошқарувчиси Р. Исоқов».*

Даъво зўр-а. Яшириймайман. Охирги жумла кўзимга «ислоҳотга қарши» бўлиб кўринди. Қайта-қайта ўқидим. Ундоқ эмас экан.

Энди ўрни келганда дардимизни айтиб олсак. Ана шу каби яширин хатлар, енг ичидаги норозиликлар эмасмиди юртимиз, элимиз тараққиётига болта урган. Ундан қутулайлик. Турачилик кайфиятидан воз кечайлик. Узгалар ҳисобидан кун кўрмайлик. Отнинг тизгинини эгасига берайлик деган мақсадни кўзлаб бошланмаганмиди, ислоҳот?

Юртбошимиз томонидан ҳар йигинда бу гап айтилянти. Талаблар қўйилянти. Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқаринг. Хусусийлаштиринг. Шахсий мулк қилиб беринг, деб.

Корхонасини хусусийлаштиришга иштиёқманд икки «узбошимча»нинг режаю, умиди барбод қилингач, тезда ҳаракат қилинди. Утган йилнинг 26 декабрида «Вилсаноатфуқароқурилиш» трести очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ва розилик, на огоҳлантиришсиз, жамоага билдирмасдан Қибрай қурилиш материаллари комбинатини, 4-КМК ҳам унинг таркибига киритилди?!

Йиллар бурун шундай қилинарди: сен қул остимдасан. Шикоятга ўрин йўқ! Бўйруқлимми, бажар! Яна шундай қилинди: сен аъзо! Гап тамом!

Катти рузгорли юртимиз бари бир катта. У тутган йўл ундан-да катта. Ўша сабабданми, ўзгариш, янгиликка осонликча эришилмайди чоғи. Ҳали оз-кўп хатолар утади. Англашилмовчилик бўлади. Ўзи мақсадни кўзлаган ИСЛОҲОТ хатоси кечирар. Уни англашга илми етмаганнинг кечирар. Аммо билиб, атайлаб ИСЛОҲОТ йўлига тусиқ бўлганларни ҳам кечирадими? Йўқ?!

Курбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лион сўм миқдорида дивиденд тўлади. Ҳар бир акция учун тўланган дивидендлар миқдори 5 минг сўмдан ошиб кетди, бу акциянинг номинал қийматидан 10 баробар кўп демакдир.

Нафақат сердаромад ёқилғи-энергетика комплексида, балки бошқа тармоқларда ҳам дивиденд тўлаш имконияти пайдо бўляпти. «Қувамебель» ҳиссадорлик жамияти йил якунлари бўйича деярли 8 миллион сўм, «Тошуйжойинвестқурилиш» тизимига қарашли 159-қурилиш трести ҳиссадорлик жамияти 6 миллион сўм атрофида, Андижон «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти эса 3 миллион сўмдан ортиқ дивиденд тўлади.

Ислоҳотларнинг яна бир якуни шундан иборатки, 1995 йилда иқтисодиётимизда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг ривожи юксак суръатлар билан ўсгани яққол кўринди. Бу секторнинг таъсири кучайиб бормоқда. Миллий даромаднинг 67 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи, пудрат ишларининг 62 фоизи, товар айланмасининг 91 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Ва, ниҳоят, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг тўловларга қодир ишончли ҳамкор сифатидаги халқаро обрўси тобора ошмоқда. 1995 йилда ташқи савдо оборотида 216 миллион долларлик ижобий сальдога эришилди. Ташқи савдо оборот таркиби сезиларли даражада ўзгарди — ўтган йили иқтисодий жиҳатдан тараққий этган хорижий мамлакатлар ҳиссасига жами оборотнинг 57 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йилда 42 фоизни ташкил этган эди.

Бугунги мажлис маърузачилари ва бошқа сўзга чиққан кишилар 1995 йилни якунлаб, ўз соҳаларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тўғрисида гапирдилар.

Ишимизда мавжуд бўлган хатолар ва оқсоқликлар ҳақида гапирганда, аввало, уларнинг сабаблари ва илдизларини, уларнинг мезонларини очиб беришимиз, ўзимиз учун аниқлаб олишимиз даркор.

Хўш, бугун бизни нима кўпроқ ташвишлантирмоқда? Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз керак?

Мени, аввало, хўжалик юритиш механизми қандай шаклланаётгани қизиктиради. У корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллиги учун қандай қулайлик туғдирмоқда?

Ташаббус ва тадбиркорликни қай даражада рағбатлантирмоқда, корхоналар ва улар раҳбарларининг иқтисодий масъулият мезони қай аҳволда?

Энг муҳими, бугун таркиб топаётган хўжалик механизми бозор қонунларига ва шароитларига ҳанчалик тўғри келади ва жавоб беради? Бозор талаблари қай даражада қабул қилинган қонунлар ва ҳужжатлар орқали ҳаётда ўз аксини топмоқда?

Биринчидан. Шуни очиқ тан олишимиз керакки, кўпгина қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳозирча тўлиқ ишлаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ташқи иқтисодий фаолият, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш юзасидан илгари қабул қилинган ва ислоҳотлар ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар ижроси текширилганида, улар жуда секин, чала-ярим амалга ошаётгани маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамаси бу қарорлар ижросини етарли назорат қилмаяпти.

Ўзбекистон заминида бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларини фаол жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар замини амалда яратилди. Буни кўпчилик тан олмоқда.

Савол туғилади: нега улар ҳаётда тўлиқ амал қилмаяпти? Ким ёки нима халақит беряпти? Қаерда, қайси бўғинда оқсаш рўй бермоқда? Мана шу саволларнинг барчасига жавоб топишимиз керак.

Менинг назаримда, энг заиф жойимиз ижрочиларнинг ўрта бўғини, корхона ва хўжалик раҳбарларидир. Улар ҳамон эски тасаввур билан яшамоқдалар. Фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга асосланган боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаяптилар. Бундай кайфиятдан қутулмас эканмиз, барча хайрли ишларимиз, ташаббусларимиз тўрачилик ботқоғига ботиб, оқсоқ бўлиб қолаверади.

Иккинчидан. Бозор инфраструктурасини ривожлантириш бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда. У амалда эндигина яратиляпти. Тижорат банклари тизими, молиявий хизмат, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари кўпроқ катта ва ўртача шаҳарларда, туман марказларида шаклланмоқда.

Очиқ айтиш керак: қишлоқ жойларда бозор инфраструктураси, бозор хизмати йўқ ҳисоби. Мавжуд 31 та тижорат банки, 69 та суғурта компанияси мамлакатимиз эҳтиёжларини қондира олмаслиги турган гап. Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларида бирорта ҳам давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси йўқ. Лизинг, инженеринг компаниялари каби бозорнинг муҳим муассасаларига эътибор йўқ.

Учинчидан. Бугунги кунда бизнинг энг оқсоқ жойимиз— кадрлар тайёрлаш масаласи. Аниқ айтиш мумкинки, ҳар бир участкада, ҳар бир бошқарув бўғинида уз касбининг устаси оулган ғайратли кишилар турганида талай муаммолар аллақачон ҳал бўлиб кетарди. Бунинг тасдиғини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Биз кадрлар тайёрлаш тизимини жиддий қайта кўриб чиқишимиз зарур. Кадрларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириш, тадбиркорликка, тижоратга ҳавас-иштиёқ уйғотиш бугунги кунининг энг долзарб масаласи десак ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Бизнес асосларини эгаллашга ҳаракат қилиш оммавий тус олиши лозим ва биз бунинг учун барча шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Одамлар тафаккурини ўзгартириш зарур. Биз одамларга имкон қадар тадбиркорликни, ўзига, ўз билими ва меҳнатига ишонч ҳиссини кўпроқ юқтиришимиз керак.

Тўртинчидан. Вилоят ва туманларда давлат мулки ва хусусийлаштириш масалаларини ҳал этишга бир ёқлама ёндашилмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни бир масалага жалб қилмоқчиман. Расмиятчилик, яъни ишга юзаки қараш. Бугун республикадаги ва жойлардаги раҳбарлардан сўранг — улар сизга қанча корхона давлат тасарруфидан чиқарилганини, қанчаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилганини адашмасдан айтиб беради, қанча кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилгани тўғрисидаги рақамларни қалаштириб ташлайди.

Бироқ нима учун хусусийлаштирилган корхоналарда ўзгаришлар ўз самарасини бермаяпти, нима учун ҳиссадорлар ўзларини ҳозиргача мулкнинг тўлақонли эгаси деб, мулкдорлар деб ҳис қилмаяпти, деган саволларга жавоб берадиган одамни топиш кийин.

Аслида хусусийлаштириш жараёнининг мазмун-моҳияти ҳам шунда, яъни мулк шаклини тубдан ўзгартириш, ҳар бир кишининг чин маънодаги ҳақиқий мулкдорга айланишидадир.

Бешинчидан. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари кўпгина туманларида нақд пул эмиссияси 60-70 фоизни ташкил этаётгани бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Табиий савол туғилади: агар ишчилар, нафақахўрлар қўлига олган нақд пулини сарф қилмаса, яъни берилган пул қайтиб хазинага тушмаса, бундай шароитга қачонгача ва қандай тизим, қандай давлат чидаши мумкин?

Наҳотки республикамизнинг аксарият аҳолиси ўзининг эҳтиёжи, талабини, савдо-сотиқ юмушларини пойтахтга — Тошкент шаҳрига келиб ҳал қилиши, қондириши керак?

Энди биз масалани бошқача қўймоқчимиз. Эмиссия даражаси пасаймаётган, аксинча ўсаётган жойларда нақд пулларнинг банкка қайтарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмагунча, ҳокимлар, уларнинг муовинлари ва Марказий банк бўлимлари раҳбарларининг маош олишга ҳаққи борми, шуни кўриб чиқишимиз керак.

Энди 1996 йилги асосий вазифалар ҳақида.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг охирги сессиясида 1995 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга якун ясалган ва жорий йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий ва устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Барчамизнинг асосий ва устувор вазифамиз — шу йўналишларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларни амалий ишларимиз билан охиригача етказиш.

Биз ушбу масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида декабрь-январь ойларида икки марта муҳокама қилган эдик. Батафсил ва теран ўрганиш, тегишли таклифлар тайёрлаш учун энг муҳим муаммолар, шошилинч ва устувор вазифаларни ечишга доир тамойил ва ёндашувлар аниқлаб олинган эди.

Бугунги йиғилишимиз арафасида Вазирлар Маҳкамасининг барча комплексларида, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туманларда йил якунлари дастлабки муҳокамадан ўтказилди.

Мен бугун қайд этиб, айтиб ўтилган нарсалар тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Бинобарин, ҳаммангиз якуний материаллар ва тайёрланган қарорлар лойиҳаси билан танишсиз. Мажлисда иштирок этаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари уларни халқимиз эътиборига ҳавола этади, деб ўйлайман.

Бугунги асосий масала 1996 йил учун мақсадларни, белгилаб олинган устувор йўналишларни амалга оширишнинг механизм ва йўлини излаб топишни, уларнинг аниқ лойиҳаларда акс этишини муҳим деб биламан. Демоқчиманки, ўша устувор йўналишлар аниқ лойиҳаларда акс этиши — моддийлашиши ва уларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва суръатлари белгилаб қўйилиши шарт. Бу лойиҳалар мустаҳкам моддий асосга эга бўлиши лозим.

Энг муҳим, баъзи бир устувор лойиҳалар бўйича тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг асосий эътиборни **биринчи навбатда** мамлакатимиз энергетика базасини янада ривожлантиришга қаратишимиз даркор. Мен Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини жадал суръатларда давом эттириш, Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конларини жиҳозлаш, компрессор станцияси қурилишини тугаллаш, Мингбулоқ нефть конида қидирув ишлари олиб бориш ва очилган фавворалари ишга солиш, Газли-Нукус газ қувурининг иккинчи навбатини қуришни назарда тутяпман.

Кўрсатилган ва бошқа бошланган лойиҳаларни бажариш аҳволи қандай эканини тафтиш қилиш, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш зарур. Ҳар бир аниқ объект бўйича муайян иш ва инвестициялар ҳажмини, маблағлар манбасини аниқлаш, барча куч ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак бўлади.

Бу йил ишга туширилиши мўлжалланган Қизилқум фосфорит заводининг қурилиши ғоят секин бормоқда. Кимда-ким бу корхонанинг аҳамиятини тушунмаса, яхшилаб тушуниб олсин: Самарқанд, Кўқон ва Олмалиқ суперфосфат заводларининг тақдири шу корхонанинг ишга туширилиши билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини ниҳоятда зарур бўлган фосфорли ўғитлар билан таъминлаш масаласи ҳам шу корхона билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўтган йили фосфор ва бошқа кимёвий хом ашёни четдан олиб келиш бутун республикани оғир аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини ўз бошимиздан ўтказдик.

1996 йилда кимё корхоналарини қайта таъмирлашни тугаллаш лозим. Шундагина улар барқарор ишлаб, кераксиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан қутулиб, қишлоқ хўжалигини зарур минерал ўғитлар билан таъминлайди. Ва шу билан бирга экспорт ҳисобидан валюта маблағини топиш имкониятини беради.

Қўнғирот сода заводи қурилишини изчил давом эттириш керак. Бу завод асосий қурилишларимиздан бири бўлиб, хорижий шериклларимиз билан биргаликда бунёд этилмоқда. Республикамизда каустик, қальцийлаштирилган ҳамда озиқ-овқат содаси ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши озиқ-овқат, кимё саноатимизни, энергетикамизни зарур хом ашё билан таъминлабгина қолмай, Ўзбекистонда деразабоп ва бошқа турдаги ойна ишлаб чиқариш имконини яратади, четдан хом ашё келтиришдек қарамликка барҳам беради.

Мазкур завод импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш намунаси бўлмоғи керак. Ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, бу завод ишга тушгач, четдан келтириладиган хом ашёни қисқартириш эвазига ҳар йили камида 31 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинади.

Биз янги темир йўллар, автомобиль магистраллари ҳамда коммуникация тизимини қуриш ва фойдаланишга топширишга катта аҳамият бермоқдамиз. «Навоий — Учқудуқ — Султануиздаг — Нукус», «Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўллари қурилиши, Қамчик довонидан ўтадиган Тошкент — Ўш автомобиль йўлини реконструкция қилиш, Учқудуқ шаҳрида янги аэропорт қуриш бу соҳадаги устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Бу ишларни амалга ошириш нафақат транспорт коммуникацияси тизимини яхшилайди, балки мўл-кўл хом ашёга эга бўлган районларга йўл очади, ўша хом ашёни республикадаги истеъмолчилар ва экспорт учун саноатда қайта ишлаш имконини беради.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Устувор лойиҳалар тўғрисида гапирганда, уларни тўғридан-тўғри ва фақатгина қурилиш лойиҳалари деб қарамаслик керак. Уларга чуқурроқ ёндашиш талаб этилади.

Бу соҳада ҳам, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигимиз учун муҳим бўлган республикадаги илк холдинг компанияси — «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг»ни тузишни ниҳоясига етказиш зарур. Нима учун биз маҳаллий шароитимиз учун ўта зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаяпмиз, деган савол кўпдан бери олдимизда турибди.

Нега ҳозиргача қишлоқ хўжалиги учун ягона техника сиёсати ишлаб чиқилмаган? Қачонгача техникани четдан сотиб оламиз? Наҳотки, бунинг учун нафақат кўплаб валюта маблағлари сарфлаётганимиз, балки эртага чет эл фирмаларига қарам аҳволга тушиб қолаётганимиз тушунарли бўлмаса? Ахир эртага бу техникани ишлатиш, эҳтиёт қисмлари топиш, таъмирлаш ҳам керак бўлади-ку! Шунда яна бировларга таъзим қилиб борамизми?

Нафақат пахтачилик, қоласерса, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари, аввало, ғалла етиштиришга зарур техника ишлаб чиқариш учун обрўли чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузишга дадил киришиш керак. Бу бугунги кунда энг долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан биргаликда лизинг операцияларини, яъни ижарага ишлатишни ҳам кенгроқ ривожлантириш керак. Масалан, бизга техника олиб келишдан манфаатдор бўлган Америка «Кейс» фирмаси билан бирга лизинг компанияси тузиш мумкин эмасми?

Менинг фикримча, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан бирга ушбу йўналишда ишлаши керак. Бунда халқаро молия корпорацияси имкониятлари ва таклифларидан фойдаланиш мумкин.

Яна республикамиз аҳолиси ва иқтисодиёти учун муҳим тармоқлардан бири, бу — халқ истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва саноат молларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузиш ва қуриш орқали ташкил қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Бу масалага биринчи навбатда эътибор беришимиз даркор.

1996 йил учун лойиҳаларни танлаб олишда улар бизнинг четдан мол келтиришга қарамлигимизни камайтиришни ҳисобга олишимиз керак. Ўзимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш орқали энг зарур эҳтиёжларимизни қондиришимиз мумкин бўлади. Бунинг учун зарур база бор.

Албатта, биз яхши тушунамизки, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун давлатнинг ёрдами керак. Биз бундай ёрдамни беришга тегишли ресурслар ва имкониятларни топишимиз лозим.

Иккинчидан. Албатта, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини кўпроқ жалб этиш лозим. Биз бунинг учун барча зарур ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий шарт-шароит ва имтиёзларни ҳозирлашимиз керак. Биз мазкур устувор вазифаларни рўёбга чиқариш, қўшма корхоналар тузиш учун чет эл сармояларини жалб этишни ҳар томонлама рағбатлантира борамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Мен яна бир жуда долзарб масалани ўртага ташламоқчиман. У ҳам бўлса, шартнома ва контрактлар тузишнинг мавжуд тартибини ва аҳамиятини тубдан ўзгартиришимиз керак.

Табиий бир саволга жавоб беришимиз зарур.

Умуман, шартнома-контрактация нима учун тузилади? Шартномалар қандай тузилаётгани ва амалга оширилаётганини бирор киши бирор марта таҳлил қилиб кўрдими? Бирор хўжалик мисолида, бирор шартнома мисолида ушбу шартнома мажбуриятлари ортида нима турганини ўйлаб кўрдими? Уни тузган томонларнинг мажбуриятлари қандай?

Ва энг муҳими, шартномани тасдиқлаган, имзо чеккан мутасадди раҳбарларнинг ва мутахассисларнинг масъулияти, керак бўлса — жавобгарлиги қандай?

Буни шу вақтгача ҳеч ким суриштирмаган, суриштиришни истамайди ҳам.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бунинг сабаби нима?

Энг муҳими — маҳсулот, товар ишлаб чиқарувчиларнинг бугунги аҳволи қандай? Тан олишимиз керак, қишлоқ жойларда инфраструктура тармоғи — савдо-сотиқ ва тайёрлов тизими тараққий этмаган. Тайёрловчиларнинг ўзлари яккаҳокимлик қилиб, хўжаликларга зуғум ва зулм ўтказади, зиммага олинган шартларини бажармаслик ҳолларини ҳар қадамда учратиш мумкин.

Мисол тариқасида мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашнинг мавжуд аҳволини кўриб чиқайлик. Бирор киши шартномалар қайси нархда ва қай даражада адолатли тузилаётганини текшириб кўрдими? Помидор ёки узум етиштирадиган хўжаликларда рентабеллик бўлмаган, айрим хўжаликлар зарар кўраётган бир пайтда консерва ва вино заводларининг рентабеллиги осмонга чиқиб кетяпти. Бундай дейишимизга асос бор.

Қашқадарё вино-консерва заводи, Наманган вино-консерва заводида рентабеллик 30 фоизни, Шаҳрисабз вино заводида 25 фоизни ташкил этди. Айни вақтда помидор ва узум етиштирадиган хўжаликларнинг рентабеллиги 2-5 фоиздан ошмади, кўпгина хўжаликлар, масалан, «Наманган», Сурхондарё вилоятидаги «Термиз» каби агрофирмалар йилни зарар кўриш билан якунлади.

Товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш тармоғининг аҳволи жуда аянчли. Уларни ҳеч ким суғурта қилмайди. Ахир, кимдир ишлаб чиқарувчиларни, тузилган шартномаларни суғурта қилиши керак-ку! Бу иш бизда мутлақо йўлга қўйилмаган.

Ғарб мамлакатларида фермерлар ўз маҳсулотини қаерга топширишни, қайси нархда қа ерга сотишни, қанча фойда олишни билмаса, сигирларини сўйиб юборади, ерларини ҳайдаб ташлайди. Ўзига зарар келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаргандан кўра суғурта пули олишни афзал деб билади. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси.

Шартнома тузишга тузилади, бироқ у бажарилмагани учун ким жавоб беришини ҳеч ким тушунмайди. Шартноманинг бирор-бир моддаси бажарилмай қолса, қанчалик зарар кўришини товар ишлаб чиқарувчи на тасаввур этади, на тушунади, унга қўл қўйган бошқа томон эса ҳеч нарсага жавоб бермайди.

Адлия вазирлиги ва Прокуратура бу иш билан шуғулланмаяпти. Бунинг учун, умуман, жавобгарлик йўқ. **Бизда шартномалар мазмун-моҳиятига кўра хўжакўрсинга тузилиши анъанага айланиб қолди.**

Ҳақли савол туғилади: хўжалик шартнома тузгандан кейин унинг бу йилни фойда ёки зарар билан якунлашини ким олдиндан айтиб бера олади?

Ғарб мамлакатларида фермерлар даромад олишига кўзи етмаса, ҳеч нарсага қўл урмайди. Бизда-чи? Ҳеч ким иқтисодий таҳлил билан шуғулланмайди, ҳеч нарсани йил бошида ҳисоб-китоб қилиб кўрмайди. Ҳаммамиз жўжани кузда санашга ўрганиб қолганмиз. 1995 йилни нега 143 хўжалик зарар билан, 673 хўжалик эса учма-уч якунлаганини билмагандай елка қисамиз.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Биринчидан. Шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак.

Иқтисоднинг қандай соҳаси ёки тармоғидан қатъи назар, унинг ижросига жавобгар томонларнинг масъулиятини кучайтиришимиз даркор. Шартномаларнинг мақомини кўтаришимиз ва уларга қонуний асос яратишимиз лозим. Бу борада Олий Мажлис ва ҳуқуқшунослар тер тўкишига тўғри келади. Шартнома қоғозда қолиб кетмаслиги зарур.

Иккинчи хулосамиз товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Модомики, мен товар ишлаб чиқарадиган бўлсам, шунга сарфланган ҳаражатлар қопланиши ва даромад келтиришига олдиндан ишончим комил бўлиши керак.

Мисол учун, мен маълум бир маҳсулот ишлаб чиқармоқчиман. Айтинг-чи, ишлаб чиқараётган маҳсулотим, ҳеч бўлмаса, сарфлаган харажатларимни қоплашига, оз бўлса-да фойда келтиришига ишонмасам, уни ишлаб чиқаришнинг маъноси нима! Афсуски, бизда йилни қандай якунлашини билмайдиган ўнлаб корхоналар бор. Энди бунга чек қўйиш вақти етди.

Бунинг учун нима қилишимиз лозим? Мен бу ҳақда биринчи марта гапираётганим йўқ. Текинга ишламаслик учун буюртмалар «портфели»ни ташкил қилмасдан, яъни харидорни олдиндан аниқламасдан ишни бошламаслик керак.

Яна бир муҳим хулоса: товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини тузишимиз лозим. Бу борадаги зарур ҳужжатларни тайёрлаш Давлат мулк қўмитаси зиммасига юклатилади.

Яна бир принципиал масала: тизим яратиш, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш устида жиддий иш қилиниши керак. Бу — ўта муҳим масала. Одамлар эскича йўсинда ишлашга ўрганиб қолишган. Товарни ишлаб чиқарганлар ва уни қабул қилиб олмаганлар ўртасидаги можаро судга мурожаат қилиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

Мен қонунлар ижросига масъул адлия вазири, прокурор ёки хўжалик суди раисига шундай савол бермоқчиман: шартномага қўл қўйиб, уни бажармаган бирор-бир хўжалик ёки корхонага жазо сифатида жарима солиндими, улардан бирортаси маъмурий жавобгарликка тортилдими? Катта зарар кўрган корхона ортида йил бўйи меҳнат қилиб, иш ҳақини ололмаётган бутун бошли жамоанинг тақдири турибди. Бунинг учун нимага ҳеч ким жавоб бермайди?

Зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган яна бир муаммо бор. 1996 йил бошланиб кетди. Мени эса корхоналарнинг қанчаси бутун бошли йилга мўлжалланган буюртмалар «портфели»га эга, деган савол қийнайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қанча қисми учун шартномалар тузилган?

Республикада талаб ва таклифни ўрганиш масаласи қай аҳволда?

Ушбу масала республика миқёсида, иқтисодиёт тармоқлари, муайян ишлаб чиқариш ва корхона миқёсида қандай ҳал қилиняпти?

Қачонгача кераксиз моллар ишлаб чиқариш давом этаверади? Корхоналар қачонгача, эртага маҳсулотини қандай сотишни ўйламасдан, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтираверади?

Қачонгача улар касодга учраган молларини омборларга қалаштириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришни сўраб, ялиниб юради?

Агар корхона буюртмалар «портфели»га ва амалда муайян харидорларга эга бўлмас экан, уни ёпиб қўя қолган маъқул. Бу давлатга бехуда сарфланган хом ашё харажатларини қоплашдан, зое кетган меҳнат ҳақини тўлашдан кўра анча арзонга тушади. Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товар кўринишидаги ўлик капиталнинг бизга нима кераги бор?

Айни пайтда «Ўзмашсаноат»да (нормативдан ортиқча 980 миллион сўмлик қолдиқ бор), «Ўзэлектротехсаноат»да (701 миллион сўмлик), «Ўзкимёсаноат»да (598 миллион сўмлик), шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат» ва «Маҳаллийсаноат» тизимида бундай ўлик капитал миқдори оз эмас. 1996 йилнинг 1 январига келиб корхоналарнинг омборларида касодга учраган 5,5 миллиард сўмлик маҳсулот тўпланиб қолди. Нега бунга йўл қўйилди?

Бугун эскича фикрлаб, ҳар хил фондлар, моддий ресурсларга умид боғлаб юрган кишилар билиб қўйсин: энди уларни вақтида хом ашё билан таъминлаб, тайёр маҳсулотини сотиш масаласини ҳал қилиб берадиган идоралар йўқ. Эски замондаги Госплан, Госснаб деган зўравон тақсимотчилар энди йўқ. Эски замон ўтди, тугади. Шуни ҳамма тушуниб, миясига михлаб олсин. Эски замонга қайтиш йўқ!

Зарар кўриб ишлаётган корхоналар бўйича республика комиссияси, хўжалик суди кўнгилдагидек ишламаяпти. Банкротлик тўғрисидаги қонун амал қилмаяпти. Мен яна бир бор қарорлар қоғозда қолиб кетмаслигини, расмиятчиликка йўл қўймасликни талаб қиламан. Истиқболи йўқ, узлуксиз зарар кўриб ишлашдан бошқасига яramайдиган корхоналар, хўжаликларни тарқатиб юбориш, уларни кимошди савдосида ҳақиқий эгаларига сотиш вақти келди.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши маълумки, ҳаётимизда, рўзғоримизда, турмуш тарзимизда, ҳар қайси оила, ҳар қайси инсоннинг туриш-турмушида бозорнинг ўрни катта.

Ахир эскидан қолган **«отанг — бозор, онанг — бозор»**, деган гаплар бежиз айтилмаган. Бу ҳикматли сўзлар халқнинг кўп асрлик тажрибасидан келиб чиқиб айтилган. Бозор қадим замонлардан буён ҳалол меҳнат ва ҳалол савдо намоён бўладиган жой ҳисобланади.

Мана шуни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда биз Ўзбекистонда янги бозорлар барпо қилиш, борларини эса янада кенгайтириб, қайта таъмирлаб, янада обод қилишга катта эътибор қаратдик. Бу мақсадлар учун кўп маблағ ва куч-ғайрат сарфладик. Нафақат пойтахтда, нафақат катта шаҳарларда, балки олис туман ва қишлоқларда ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бозорларимизнинг ободлиги, тўкинлиги фаровонликка қараб олға юришимизнинг яна бир далили, яна бир исботи бўлиб қолмоқда.

Лекин биз шунча эътибор, шунча маблағ сарфлаб бир нарсани унутиб қўймоқдамиз: хўш, обод бозорларни кимнинг қўлига топширдик? Бугун бозорларимизда ким ҳукмрон? Ҳақиқий деҳқон, ҳақиқий маҳсулот эгаси шу бозорларда эмин-эркин савдо қиляптими?

Афсуски, бугун бизнинг кўп жойлардаги бозорларимизда чайқовчи-олибсотар ҳукмрон. Бугун пештахталарда пешона тери билан ҳосил етиштирган деҳқон ёки боғбоннинг эмас, иймон-инсоф кўчасидан умуман ўтмаган, бирни ўнга пуллаётган чайқовчининг ошиғи олчи.

Бундай кимсалар биз давлат ҳисобидан яратиб берган имкониятлардан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланяпти. Шу боис ҳам бозорларда нарх-наво осмонда, бечора деҳқон эса молини бир тўда товламачига арзонгаров бериб кетишга мажбур.

Азиз биродарлар, йил бўйи кунни кун, тунни тун демасдан ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан ҳосил етиштирган деҳқоннинг ҳаволини бир тасаввур қилинг. У ҳосилни йиғиштирди, энди маҳсулотини олиб бориб бозорда сотиши, меҳнати натижасини пуллаши керак.

Етиштирган ҳосилини шаҳарга элтиш учун деҳқон қанча азоб ва қанча синовлардан ўтади!

Аввалига у машина топади, отанг яхши, онанг яхши деб ҳайдовчини кўндиради, йўлкира пулини беради. Йўлда икки-уч марта ола-була таёғини кўтариб чиққан гаичи шоввозларни рози қилиши ҳам керак бўлади.

Шунча азоб билан шаҳарга етиб келади. Бозор олдида уни пихини ёрган олибсотарлар кутиб олади. Улардан бир амаллаб қутулса, дарвоза олдида турган барзангиларга пул беради. Кейин бир амаллаб бозорга кириб, давлат ҳисобига қурилган омборларда икки-уч қоп молини сақлаш учун яна пул беради.

Ниҳоят, бечора деҳқон мингта синовдан ўтиб, бозор ичкарисига ҳам етди. Растада ким зўравон? Албатта, тарозибон билан паттачи! Пештахта ёнидан жой оладими ёки яланг ердан жой тегадими, паттачи билан тарозибоннинг ҳам томоғини «мойлаш» керак.

Хўш, бозорда аҳвол шу экан, минг азоб билан мева-чева, сабзавот ўстирган деҳқон нима қилсин?

Фойда олмаса ҳам — майли, лоақал қилган меҳнати ва чеккан харажатини қоплаш учун нархни оширишга мажбур бўлади.

Бу аҳволга қандай чидаш мумкин?

Бундай аҳвол билан қандай муроса қилиш мумкин?

Мен бугун шу саволни сизларнинг олдингизга қўймоқчиман.

Ёдингизда бўлса, шу саволни икки йил бурун ҳам қўйган эдим.

Хўш, бизда бозорнинг эгаси, бозордаги тартиб, тош-тарозини назорат қиладиган бирор одам борми ўзи?!

Одамларни алдаш, нарх-наводан, тош-тарозидан уриш— қадим замонларда ҳам, мусулмончиликда ҳам гуноҳи азим ҳисобланади.

Бундай ортиқ чидаб бўлмайдиган ҳолга кескин зарба бериш, адолатли тартиб ўрнатиш мақсадида олибсотарларнинг уруғини қуритиш учун бугун тегишли давлат органлари тэмонидан ҳуқуқий чора-тадбирларни кескинлаштириш устида қатъий иш олиб бориляпти.

Деҳқон бозорлари нафақат деҳқон ўз маҳсулотини сотадиган жой. Аслида деҳқон бозорлари биз тасаввур этганимиздан ҳам кенгроқ мазмунга эга. Биз бозорларимизда қадимий анъаналар тикланиши, яъни улар одамларнинг муомала маркази бўлиб қолиши тарафдоримиз.

Шунинг учун ҳам бозорлар ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган даражада қурилиши ва қайта таъмирланиши — сотувчи-деҳқон ва харидор учун ҳар томонлама қулай бўлмоғи лозим.

Юқорида айтилган муаммоларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда шаҳарлардаги деҳқон бозорларини «Ўзтайёрловсавдо» тасарруфидан чиқариб, маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига ўтказишга қарор қилдик. Шунга тегишли фармон яқин кунларда қабул этилади.

Ҳурматли ўртдошлар!

Ҳадемай диёримизга баҳор фасли кириб келади.

Мен баҳорги дала ишларига тайёргарлик борасидаги энг долзарб масалага тўхталмоқчиман. Маълумки, баҳорнинг бир куни йилга татийди. Биз бу масъул паллага пухта тайёргарлик кўришимиз шарт. Бунинг учун, аввало, нималарга эътибор бериш керак?

Биринчидан. Меҳнатсевар деҳқонимизнинг бугунги аҳволидан батафсил хабардор, унинг ташвишларига ҳамдард бўлишимиз даркор. Унинг меҳнат ҳақини вақтида ва тўлиқ олишини таъминлашимиз лозим.

Бунинг учун ўтган йилги ҳосил учун қишлоқ хўжалик корхоналари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилишимиз, қарзларни қисқа муддатларда қайтаришимиз керак.

Мазкур масалага, аввало, Молия вазирлиги, Марказий банк, ундан кейин ҳокимлар шахсан жавобгардир.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий шарт-шароитлари ҳақида ўйлашимиз керак. Қишлоқ аҳолисига пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар ўз вақтида берилиши керак. Гап фақат тўловлар ҳақида эмас.

Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинган, ҳукуматга қишлоқ мактабларини таъмирлаш, қишлоқ тиббий пунктларининг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича икки йилга мўлжалланган махсус ижтимоий дастур ишлаб чиқиш топширилган эди.

Мен мазкур дастурни ҳамон кутяпман. Қани ўша дастур? Мана бу ерда ижроия ҳокимият вакиллари ўтирибди. Бу сизларнинг асосий вазифаларингиз эмасми?! Қисқа муддатда, пишиқ ва пухта ўйлаб, мазкур дастурни тайёрлаш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг молиявий манбаларини қидириб топиш сизларнинг зиммангизда. Бундай дастурни тайёрлаш 1 апрелдан кечик

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИДА

1996 йил 29 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда иштирок этишларига доир вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Котибият мустақил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бу қутлуғ санани нишонлашга ҳозирлик кўриш, уни муносиб кутиб олиш ва ўтказишда бевосита қатнашишни Ўзбекистон ХДП барча даражадаги кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг муҳим иши, деб ҳисоблади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ушбу масалага доир Тадбирлар режаси тасдиқланди. Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларига мустақилликнинг беш йиллигига бағишлаб ўтказиладиган ўз тадбирларини белгилаб, амалга ошириш тавсия қилинди (Котибиятнинг бу ҳақдаги қарори баёни алоҳида чоп этилмоқда).

Наврўз байрами ҳур диёримиз халқи томонидан кенг нишонланадиган кунлар тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан Котибият Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари зиммасига уни байрам қилишда фаол иштирок этиш вазифасини юклаб, уларнинг бу борадаги муҳим ишларини белгилаб берди. Анъанага мувофиқ, кенгашлар ҳузурида бу масала билан шуғулланувчи махсус ишчи гуруҳларини тузиш тавсия қилинди.

Маълумки, Марказий Кенгашнинг яқинда ўтказилган XV пленумида партиямиз барча даражадаги кенгашлари ва ташкилотлари ишини янада яхшилаш, аҳоли истиқомат жойларида ҳудудий ташкилотларимиз шахобчаларини кенгайтириш, улар фаолиятини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар, туман партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференцияларига тайёргарлик кўриш, омма орасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларини шу кун талаблари даражасига кўтариш, партиянинг назарий фаолиятини кучайтириш каби масалалар юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Котибият мазкур пленум қарорларини бажариш ва унда айтилган таклиф ҳамда танқидий мулоҳазалар юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Тадбирлар режасини муҳокама қилиб, уни тасдиқлади. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига, ушбу режа асосида, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш топширилди.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштириш ва сафларини мустаҳкамлаб бориш — партия қурилишининг муҳим жабҳасидир. Бу борада ўтган йили муайян ишлар қилинди. Жумладан, йил давомида 40 мингдан зиёд киши ХДП сафига кирди. Партия аъзолари таркиби сифат жиҳатидан яхшиланди. Унинг сафларини ёшлар, зиёлилар, хотин-қизлар, ишбилармонлар ҳисобига тўлдириш тамойили кўзга яққол ташланмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари тармоғи кенгаймоқда. 4 мингга яқин бошланғич, 4 мингдан зиёд цех ташкилоти ҳамда партия гуруҳи бевосита маҳаллаларда ҳамда уй-жой даҳаларида иш олиб боряпти.

Бироқ, Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларининг ўз сафларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятида, ижобий жиҳатлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Котибият партия кенгашларини ушбу масалага эътиборни кучайтириш зарурлигига чақирди. Шаҳар ва туман партия ташкилотларининг статистик ҳисоботларини мунтазам таҳлил қилиб бориш, партия ижтимоий таркиби республика иқтисодиёти ва аҳолиси тузилмасида рўй бераётган ўзгаришларга мос келишига ҳаракат қилиш лозим. Мажлисда Қорақалпоғистон республика, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятлари партия ташкилотларида ХДПга янги аъзоларни қабул қилиш бирмунча камайганлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўз сафини ўстириш бўйича мунтазам иш олиб бориши керак, дейилади мазкур масала бўйича қабул қилинган қарорда. Вазифа — ҳудудий партия ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, келажакда уларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари мавжуд ҳамма жойда тузилишига муваффақ бўлишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг партиямиз нашрларига 1996 йил учун обунани ташкил этиш, унинг боришини назорат қилиш ва натижаларини якунлаш комиссиясининг Хати ҳам муҳокама этилди. Котибият ўтган йили муайян мураккаблик ва қийинчиликлар бўлганлигига қарамай, партиямиз марказий нашрларига обунани намунали ўтказиш учун бир қатор ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар олиб борилганлигини қайд этди. Аммо, кўпгина партия кенгашларининг обунани ташкил этиш моҳияти ва МК Котибиятининг шу ҳақдаги қарорлари аҳамиятини тушуниб етмаганликлари, уларни бажаришда интизомсизлик қилганликлари туфайли белгиланган топшириқлар уддаланмади. Котибият обунани, айниқса, талаблар даражасида ташкил этолмаган Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг 1995 йил 3 октябрь ва 30 ноябрдаги обунага доир қарорларини бажариш бўйича олиб борган ишларини қониқарсиз, деб топди. Марказий Кенгаш Котибияти 1996 йил учун обунани уюштиришда юқори кўрсаткичларга эришган партия кенгашлари ва бир гуруҳ партия фаолларини тақдирлашга қарор қилди. Партия кенгашлари ва ташкилотларига, ХДП марказий нашрлари таҳририятларига 1996 йилнинг қолган даври учун обунани уюштириш ишларини давом эттиришни тавсия қилди (Қарор баёни ҳамда мукофотланганлар рўйхати эълон қилинади).

Котибият мажлисида, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятида

ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этишларига доир вазифалари тўғрисида

Бу йил Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлигининг беш йиллиги мамлакатимизда катта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади, дейилади Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг юқоридаги масала бўйича қабул қилган махсус қарорида. Ўтган қисқа муддат ичида тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаган Ватанимизда туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз берди: халқимизнинг тарихий анъаналари, мамлакатимиз ривожланиши ҳозирги босқичининг хусусият ва истиқболлари ҳамда жаҳон илғор тажрибасига таянган ҳолда миллий давлатчилигимиз асосан тикланди; мамлакатимизда давлат ҳокимияти ҳамда ижтимоий ҳаётнинг демократик сиёсий тизими шакланмоқда; кўппартиялилик негизида ўтказилган эркин сайловлар натижасида, Олий Мажлисдан тортиб маҳаллий ўз-ўзини бошқаришгача бўлган, янги давлат вакиллик идоралари вужудга келди, ижроия ва суд ҳокимиятлари ислоҳ қилинди; мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қабул қилинган юзлаб янги қонунлар юртимизда қарор топган ижтимоий уйғунлашиш, фуқаролик ва миллатлараро тотувликка хизмат қилмоқда.

Қарорда, миллий мустақилликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш мақсадида, мамлакатимизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётганлиги, иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилаётганлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, маънавий янгиланиш учун кенг имкониятлар яратилганлиги, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кун сайин ошаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Хуллас, мустақиллик йилларида мамлакатимиз, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг пишиқ-пухта ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг фидокорона меҳнати натижасида, тараққиётнинг жаҳонда синалган йўлига чиқиб олди. Эндиликда, барча соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий-маънавий ривожланиш учун бизда етарли замин мавжуд.

Юртимизда юз бераётган туб ўзгаришларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Давлат ва бошқарув идоралари, жамоат бирлашмалари, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида хизмат қилаётган сафдошларимиз ўзларининг куч ва ғайратлари ҳамда барча мавжуд имкониятларини ислоҳотлар янги босқичи вазифаларини тўла-тўкис адо этиш, юртбошимиз республика Олий Мажлиси тўртинчи сессиясида илгари сурган қоидаларни рўёбга чиқариш, Президентимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгашлари сессияларидаги нутқларида кўрсатиб ўтилган камчилик ҳамда нуқсонларни бартараф қилишга қаратмоқда.

Умумхалқ байрами — миллий мустақиллигимизнинг беш йиллигига ҳар томонлама ҳозирлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш истиқлол фарзанди — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг ташкилотлари ҳамда кўп минг сонли аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Мазкур тарихий санани муносиб нишонлашга салмоқли ҳисса қўшиш — ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиз, дейилади қарорда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлигининг беш йиллиги санасини нишонлашга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказишда бевосита иштирок этиш Ўзбекистон ХДП барча даражадаги кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг беш йиллигини, Мустақиллик кунига бағишланган тадбирлар билан уйғунлашган ҳолда, нишонланиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Котибият Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ушбу масалага доир Тадбирлар режасини тасдиқлади. Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларига Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб ўтказиладиган ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишни топширди.

Қутлуғ санага тайёргарлик кўриш жараёнида аҳоли барча қатламларида тарғибот-ташвиқот, оммавий-сиёсий ишларни режали асосда олиб боришни таъминлаш лозимдир. Маъруза, суҳбат, илмий-амалий анжуман, матбуотда чиқишлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда халқимизнинг бой, мураккаб ўтмишини, унинг жаҳон маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссаси, дунёда тутган ўрнини ишонарли далиллар билан кўрсатиш, Ўзбекистон Президенти изчил амалга ошириб келаётган халқчил сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини, ислоҳотлар янги босқичининг хусусият ҳамда вазифаларини теран тушунтириш, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессиялари, Олий Мажлис тўртинчи сессияси ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил 25 декабрь ҳамда 1996 йил 23 январда сўзлаган нутқларида баён қилинган хулоса ва қоидаларни фуқаролар онгига сингдиришга алоҳида эътибор бериш тавсия қилинди.

Котибият барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотлари эътиборини партиямизнинг дастурий гоялари, унинг жамиятимизда тутган урни, ХДП аъзоларининг ислоҳотларни рўёбга чиқаришда амалга ошираётган ташаббус ва намунали ишларини жонли мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилиш зарурлигига қаратди. Тоинки, ҳар бир байрамолди тадбир фуқароларни ислоҳотлар тақдири учун қайғуришга, уларнинг муваффақиятини таъминлаш йўлида курашишга, Ватанимизнинг саодатли келажагини яқинлаштириш мақсадида фидокорликка чорласин. Даъваткор сўзимиз, жозибали тарғиботимиз кишиларда оналарга чуқур меҳр, ота-боболаримиз учун фахр, юртимиз нурафшон истиқболига қатъий ишонч туйғуларини шакллантиришга хизмат қилсин.

Ушбу мақсадларда давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхона, хўжаликлар маъмуриятлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш зарур.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўришнинг бориши, белгиланган тадбирларнинг ўтказилишини мунтазам ёритиб бориш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Шаҳар бедарвоза эмас-ку!

«ГДЛЯН БИЛАН ИВАНОВ»ГА ЎЗБЕКИСТОНДА НИМА БОР?!

Тижорат ишларининг бир томони бор. У ҳам бўлса, бундай савдо хизмати одамларга қулай жойларда кўрсатилиб, молларни қўл етар қилиб ёйиб қўйилишидир. Шаҳримиз марказини айланиб юриб, китоб савдосини кузатишга тўғри келди. Навоий номли театр атрофида, ер ости йўлакларида четдан келтирилган турфа хил «асарлар» шундай ёйиб қўйилганки, ҳар қандай киши бир зум тўхтаб, уларни кузатишга ўзида эҳтиёж сезади.

Биз ҳам ғашга тегадиган олди-қочди мавзулардаги китобларни кўздан кечирар эканмиз, улар орасида «Кремлевское дело» деган китобга кўзимиз тушди. Китобнинг муқовасида муаллифлар — Тельман Гдлян билан Николай Ивановларнинг мамнун ҳолатлари ифода этилган. Таажжубдан вужудимизни муздай тер босди. Ажабо, халқимизга қанчадан-қанча маломат тошларини ёғдирган, миллатимиз шаънини ерга букишга интилган бу кимсалар ёзган китоб қандай қилиб шаҳримизга келиб қолди экан?

Бир чеккасига «180 с.» рақами (бу унинг баҳоси) ёзилган кичкинагина варақча қистирилган китобни қўлга олиб кўрар эканмиз, биринчи саҳифасидаги эпиграф ўрнида берилган сўзлар эътиборимизни тортди. «Ёдда тутинг, Бош прокурор, ўзбеклар иши йўқ ва бўлмаган. Биз текширган иш кўпроқ Москвага дахлдор, янада аниқроғи бу Кремль ишидир...» Муаллифларнинг устамонлигини қаранг. Китобни варақлаган, унинг мундарижасига назар солган киши бошдан оёқ юртимизда беандишалик билан олиб борилган тергов «ишлари»нинг натижаларидан иборат эканига шоҳид бўлади. Кўриниб турибдики, «Ўзбеклар иши» ёки «Пахта иши» деб китобни номлашдан «қочиб», юқорида келтирилган, яъни собиқ СССР халқ депутатлари биринчи съезди минбарида Т. Гдлян айтган ибора сарлавҳага чиқариб, «Кремлевское дело» деб қўяқолишган.

Қарийб 6 йил давом этган тергов ишлари, одамларимиз бошига қора кунлар солган машъум дамлар битилган оз эмас-кўпмас 480 бетли бу китоб қандай қилиб Ўзбекистон пойтахтига келиб қолди? Ваҳоланки, Ростов-Дон шаҳридаги «Книга» акциядорлик жамияти нашриётида 50 минг нусхада 1994 йили чоп этилган «бу асар» ҳанузгача эгаларини тополмай юрган экан. Ўтган шунча вақтдан кейин «ўтмас матоҳ»га айланган бу нашрни кимлар ва нима мақсадда тиқиштиришга урунишдийкин. Нима, бу ноҳақ қатағон қилинганлар энди ҳурлик нафасидан баҳра олиб туришганда уларнинг яраларини янгилашми? Бу билан қатағон йиллари одамдан ўтганларнинг руҳи чирқирамайдими? «Тижоратчиларга балли» дегинг келади. Уларда ҳам миллий ифтихор, ғурур деган эзгу туйғу бормикан! Ёки бойлик орттириш йўлида виждонларини ҳам пуллашга тайёр бўлиб юраверадиларми? Суриштиришлардан шу нарса маълум бўлдики, кўпгина китоблар қатори «Кремлевское дело» ҳам «Сайёра» фирмасининг чаққонлари томонидан бу ерга келтирилган экан. Айни кунларда бу фирманинг мутасаддиси Валерий Ильхин ўз омборхонасини тўлдириш мақсадида навбатдаги сафарга йўл олибди.

Қизиғи шундаки, сотувчи бизга яна бир китобни кўрсатди. Унинг гапига қараганда бу китоб сотиб бўлинган ва охиргисини ўзига «эсдалик» учун олиб қолган экан. Уни ҳам кўрдик. Китоб муаллифи Николай Иванов бўлиб, «Следователь из провинций» деб номланган. Бу «асар» ҳам «Кремлевское дело»нинг давоми ҳисобида ёзилганлиги аён.

— Бундай ифлос гаплар битилган китоб Самарқандда ҳам сотилаётганлиги ҳақида эшитдим, — дейди қатағон «қаҳрамон»ларидан бири О. Муҳаммадиев. — Вилоят ички ишлар бошқармаси биносидаги китоб дўконида бўлганимда «Тугади, ҳатто Тошкентдан ҳам келиб олиб кетишди» дейишди. Сўраб-суриштириб билдимки, шаҳарнинг Сартепа масканидаги китоб дўконига Ростов-Донь шаҳридан 2000 донадан зиёд шу китоб келтирилибди. Ана сизга «тадбиркорлик!» Ахир бу китобда бадном қилинаётган одамлар аллақачон суд қарори билан оқланишган-ку! Ўзини қонун посбони деб жар солаётган терговчилар ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик нотўғри иш қилишаётганини ўйлаб кўришганмикан? Бошқа давлат фуқароларига туҳмат тошларини отиш қайси қуюшқонга сиғади?

Бизни бир нарса ўйлантиради. Юртимизда халқимизнинг буюк давлат қуриш йўлида саъй-ҳаракат қилишларига барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Чунончи, божхона хизмати ходимлари юртимиз дарвозасидан турли-туман нарсалар олиб киришга ҳаракат қилаётганларнинг пайини қирқишга ҳаракат қилишмоқда. Афсуски, бу ҳаракатлар асосан моддий неъматга бориб тақалмоқда. Аслида бундай назорат ишлари маънавиятимизга путур етказишга уринаётганларга ҳам қаратилиши керак эмасми? Умуман олганда мамлакатимизга келтирилаётган турли китоблару босма нашрларни маънавиятимиз ва шарқона одобимизга зид томонларини қатъий назоратга олиш вақти етди, деб ўйлаймиз.

Ҳайдар НОСИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

CUKURS - BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
UZBEKISTAN
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўм бўлади.
Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (авваллги Урицкий) кўчаси,6-уй 101-хона. Телефон: (3712) 34-05-07.
Бизнинг манзил: Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.
Фарҳод кўчаси, 2-уй, 2-қават, 3-4 хоналар, 16-клиник шаҳар касалхонаси. Телефон: 50-80-17.
БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ КЎНГИРОҚ КИФОЯ!

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙДИ

ТОКИО. Японияда шу йилнинг январидан бошлаб кейинги 8 ой мобайнида илк бор автомобиль ишлаб чиқариш салмоғи ошди. Маълумотларга кўра, мамлакат автомобилсозлари янги йилнинг дастлабки ойи ичида 769 минг 628 та машина ишлаб чиқарган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз кўпдир.

«ФОРД»НИНГ ҲИММАТИ

ДЕҲЛИ. Американинг машҳур «Форд» автомобилсозлик фирмаси Ҳиндистон иқтисодиёти учун 800 миллион доллар миқдорида сармоя ажратишни режалаштираётир. Ушбу маблағ ҳинд автомобилсозлари билан ҳамкорликда янги қўшма корхона қуриш учун сарфланади.

ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА

ПЕКИН. Хитой билан Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми энг юқори даражага етди. Ўтган йил якунига кўра, бу кўрсатгич 6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу 1994 йилга нисбатан уч ҳисса кўпдир. ХХР бу минтақа мамлакатларига асосан тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, темир рудаси ва бошқа маъданлар ҳом ашёсини етказиб бермоқда. ХХРнинг асосий ҳамкорлари Бразилия, Аргентина ва Чилидир.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

Қозоғистон ўз нефть маҳсулотларининг бир қисмини Эрон орқали сотмоқчи. Бу ушбу давлатга ҳар йили 2-5 миллион тонна нефтни экспорт қилиш имконини беради. Техронга расмий ташриф буюрган Қозоғистон нефть ва газ саноати вазири Н. Балгимбоев бу ҳақда баёнот берди.

***

Жорий йилда ХХР ҳукумати ҳарбий мақсадлар учун 69,8 миллиард юан ажратишни режалаштирган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 6,8 миллиард юан кўп демакдир.

***

Ўтган куни Москва шаҳар думаси шу йилнинг 16 июнида пойтахт шаҳар мэри ва вице-мэри сайловини ўтказиш кунини белгилади. Маълумки, 16 июнда Россияда президентлик сайлови ҳам ўтказилади.

***

Крим парламенти А. Демиденкони ҳукумат бошлиғи этиб тайинланишини ёқлаб овоз берди. Бундан аввал унинг номзоди Украина Президенти Леонид Кучма билан келишилиб, давлат бошлиғи томонидан маъқулланган эди.

Женева кўлининг дилтортар манзараси.

КУБА ТЕВАРАГИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Айни кунларда АҚШ билан Куба ўртасига тушган совуқ муносабатлардан Америкадаги кўпгина сиёсатчилар усталик билан фойдаланмоқдалар. Айниқса, мамлакатда Президент сайловлари тобора қизғин тус олаётган пайтда бу сиёсий найранглар ҳозирги Президент Билл Клинтонни ташвишга солмоқда. «Вашингтон пост» газетасининг редакцион мақоласида айтилишича, президент сайловларининг биринчи босқичи бошланишига икки ҳафта қолганда Куба қиргоқларида шанба куни бўлиб ўтган фожиали воқеалар Президентни ҳақиқий маънода қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг баёнотида айтилишича, ҳимоясиз фуқаро самолётларини жанговор самолётлар ёрдамида уриб тушириш ваҳшийликдир. Ҳатто кубаликлар «Сессна» енгил самолётлари давлат чегараларини бузиб ўтган тақдирда ҳам бундай қилмасликлари керак эди. Бўлиб ўтган бу воқеа, айниқса, АҚШнинг Флорида штатида жиддий акс-садо берди. Зеро, бу ерда яшайдиган «Озодлик» оролидан қочиб ўтган кишилар шусиз ҳам олов билан ўйнашаётган эдилар.

Бу хавфли ўйин АҚШ давлат маъмурияти учун унчалик сир эмас. Ўтган йилнинг ёзидан бери Гаванадан Куба ҳаво чегараларини бузиб ўтиш ҳақидаги дипломатик норозиликлар овози янграб турарди. Шу ўринда Си-Эн-Эн телеканали мухбирининг кубалик муҳожирлардан бири билан қилган суҳбатини эслаб ўтиш кифоя. Унинг ғояси шундай: у ва унга ўхшаш кишилар Фидель Кастро ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадида Гавана ва Вашингтонни қарамақарши қилиб қўйиб АҚШни ҳарбий интервенцияга чорламоқчи. Уларнинг бу нияти шундан ҳам маълум бўлдики, Президент Клинтон Флорида штатида нутқ сўзлаб, ушбу масалага ҳарбий усулни аралаштирмасликка ҳаракат қилаётганлигини айтганда кубалик муҳожирларнинг тарвузлари қўлтиғидан тушган. Худди шу пайтнинг ўзида Флоридадаги айрим кимсалар Кубани АҚШ самолётлари қуршаб олсин, деб талаб қилишди.

Республикачилардан президентлик лавозимига номзод бўлиб турган Пэт Бьюкенен эса агар мен Президент бўлганимда ҳарбий ҳаво кучларини ана шу ишга жалб қилган бўлардим, деди. Бу биринчидан ўз рақиби Клинтонга зарба бериш бўлса, иккинчидан қизиб турган чўғ устига бензин сепиш билан баробар. Яна бир номзод, сенатор Роберт Доул эса Клинтонни Кубага нисбатан қўлланаётган иқтисодий жазо чораларини бўшаштириб юборганликда айблади.

Хуллас, бундай сиёсий ўйинларнинг оқибати нима бўлишини ҳозирча ҳеч ким айтиб беролмайди. Бинобарин АҚШда президентлик сайловолди кампанияси тобора қизғин тусга кирмоқда.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

• СЕУЛ шаҳри суди раисининг маълум қилишича, Жанубий Корея Республикасининг собиқ президентлари Чон Ду Хван ва Ро Дэ У устидан суд 11 март куни бошланади. Улар 1979 йилдаги ҳарбий тўнтаришни уюштириш ва халқ намойишини бостирганликда айбланмоқда. Шунингдек, у икки собиқ Президент бир вақтнинг ўзида суд қилинишини айтди.

***

• ФРАНЦИЯ Президенти Жак Ширакнинг Сингапурга расмий ташрифи бошланди. Ташрифдан сўнг Жак Ширак Бангкокда бўладиган «Осиё-Европада» олий даражадаги учрашувида иштирок этади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сафар Франция билан Осиё-Тинч уммони ҳудуди мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг ривожида янги саҳифа очади. Шу вақтгача Франциянинг Атолла Муруроада ўтказган ядро синовлари ушбу алоқалар ривожига асосий тўсиқ бўлаётган эди.

***

• ТАЙВАННИНГ Тайчжун шаҳрида кучли ёнғин содир бўлди. Ёнғин оқибатида 13 киши ҳалок бўлган, 17 киши эса жароҳатланган. Айни пайтда маҳаллий ҳукумат ушбу ёнғиннинг сабабларини қидирмоқда. Баъзи бир маълумотларга қараганда ёнғинни кимдир атайин содир этган.

***

• КОЛУМБИЯ ҳуқуқ-тартибот посбонлари миллий мудофаа ва миллий полиция биноларини ўққа тутмоқчи бўлган қўпорувчилар гуруҳини фош этди. Колумбия пойтахтида соқчилик қилиб юрган махсус хизмат ходимлари овлоқ жойдан бомба отадиган олтита қурилма топиб олди. Уларнинг барчаси ўқланган ҳолда мазкур биноларга қаратилган экан.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

БУЛ ҲАЁТ БИЗГА ШАРАФ ИМКОНИДИР

***

Бир енгил тин олди юрагим бугун,
Тунд-совуқ булутлар ўзгартди йўлин.
Боғимга беркинган қушлар сал тинди,
Юлдуз йирик бўлар бу кеч, ой-тўлин.

Бир енгил тин олди юрагим бугун,
Йўлдан қўпорилди тўнкайи ғадир.
Равонлашиб кетди ёнариқ суви,
Қаранг, сал-пал журъат неларга қодир?

Ҳа, енгил тин олди юрагим бугун,
Қирмизлашиб тиғиз пишибди гилос.
Бир лаган оқ ўрик чиқарди қўшни,
Асфальтда қизалоқ ювар кўк палос.

Сал енгил тин олди юрагим бугун,
Қишлоқлар, қишлоқлар, навбат сизники,
Ҳар ҳолда, очиқ бир даъват ташланди:
«Замон асил амал, асил сўзники!».

Ҳар ҳолда, кўп енгил тортар келажак,
Дангал айтиларкан бор муаммони.
Шундоқ соз табиий муҳит ўрнашиб,
Кўп лол эттай ҳали халқим дунёни.

ФЕРУЗОНА

Эй тахти ферузбахт, эй руҳ севинчи,
Эй надир даврондан дилинг ўтинчи,
Адолат боқийдир, давлат ўткинчи,
Миллат шажарида тоним, ассалом,
Подшоҳим, ҳоқоним, хоним, ассалом.

Борлиқ минг сувратда, тоғлик биттадир,
Мақомот Аршида тоқлик биттадир,
Шоҳу гадо учун поклик биттадир,
Эй Муҳаммад Раҳиём сонийм, ассалом,
Подшоҳим, ҳақпарвар хоним, ассалом.

Хоразм — саҳролар ичинда инжу,
Тангрим қумни элаб йиққан олтин бу,
Уч юз олтмиш наби, авлиё, ёҳу,
Қум устинда унган доним, ассалом,
Подшоҳим, руҳпарвар, хоним ассалом.

Қувғин, фитна кўрган бир сенми танҳо,
Хоразмийлар учун бу кўҳна савдо,
Орол ҳам неча бор кўчгандир ҳатто,
Ерим деб сайрона қоним, ассалом.
Подшоҳим, элпарвар хоним, ассалом.

Бир кунлик асорат неча йил битар,
Ўзбек дардин айтса само дарз кетар,
Шундан у ўз қалбин куйга беркитар,
Ушбу ҳур сўзлаган оним ассалом,
Подшоҳим, эрпарвар хоним, ассалом.

Асрадим оллоҳим берган юкимни,
Ҳаромга урмадим бирон тукимни,
Ҳар кас чиқаролмас менга ҳукмни,
Минг дарддан ўлмаган жоним, ассалом,
Подшоҳим, шеърпарвар хоним, ассалом.

Ёз деб Алжабрни, оч деб юлдузни,
Ким у тўрт уфққа ошловчи бизни,
Жаҳон аро кўрсанг бир ёруғ изни,
Бу юртдошлар очган коним, ассалом,
Подшоҳим, илмпарвар хоним, ассалом.

Хоразм — ўзбеклар тожинда бир дур,
Шундандир мендаги бу юксак ғурур,
Дўстлар, мустақиллик абадий эрур,
Бугун дунёдаввор шоним, ассалом,
Подшоҳим, ҳоқоним, хоним, ассалом,

МАШРАБ ҲОЛАТЛАРИ

Аршнинг кунгурасин фарзона қучган
Суфийлар, авлиё нафасли пирлар,
Гоҳи пайтлар боқсанг, руҳлари тушган,
Ки «Машраб қабилар бечорадирлар...»

Ҳар гардга қиймату ўрин тайинлаб,
Оламларга бериб суръат ва равиш,
Жим қолган шоирнинг қалбини тинглаб,
Деҳқон оромига йўллаб оппоқ қиш,

Бизга шу заминни Ҳақ парвардигор
Озод, тенг, яшашга этмишдир боргоҳ,
Нажиб муждалардан кўнглимда шарор
Ҳар ишдан воқиф у, ҳар шайдан огоҳ!

Унинг юмушимас ердаги мубҳам
Қиғир-қийшиқ йўллар, инсон солган из.
Адолат, нур сари юрса бас одам
Хоҳ кўп ичида, хоҳ бўлсин ёлғиз.

Лекин ҳақсизликлар боис хор, адо,
Туҳмат, ифволардан зада жонталош.
Бир ғариб қошинда Тангри таолло
Қўпилиб оҳ уриб турар кўзи ёш...

Сизга, эй оз қолди, худбин манфурлар,
Бир ютум ҳаво ҳам қаҳат бўлажак!
Ҳа, «Машраб кабилар бечорадирлар»,
Лекин айттанлари албат бўлажак.

КЕЛ, ОЙДИН СЎЗ

Бордим-келдим,
Юрдим-турдим,
Дунё дедим,
Дунё қурдим,
Элни кўрдим.

Қора қоя,
Пиллапоя,
Бахт ҳақида
Юз ривоят,
Минг ҳикоя.

Мен сал ўзсам,
Кўзди алам,
Ким кимга ким —

Ким ҳамқадам,
Ким ғам қадам.

Эй мулки ло,
Жон сенда жо.
Уйғоқларга
Бер тасалло,
Восил маъно.

Кеча-кундуз
Минг-минг юлдуз
Туғадир нур,
Кел, ойдин сўз,
Мен — ёруғ юз.

ШАРАФ ИМКОНИ

Сўрсанг эй дўстим, жаҳоннинг комидин,
Ул мукаррам бўлди инсон номидин.

Жисмимиз наққоши мусаввир офтоб,
Руҳимиз жон олди Арш пайғомидин.

Бул ҳаёт бизга шараф имконидир,
Уйғонар тоғ лол юрса томидин.

Келди наврўз ҳудҳуди, дон сочди эл,
Бил насибингни висол айёмидин.

Не фасларнинг шамолин кўрди боғ,
Тонгла шабнам ичгали гул жомидин.

Бўлди итлардин зада карвонимиз,
Пойимиз чиқмас ғаразлар домидин.

Эрксевар юртнинг минори, ори тик,
Кўрк эй мунгул, Кубро истеҳкомидин.

Отда бўл мангу Жалолиддин каби,
Эй дили дарё ватан илҳомидин.

Кўнглим-ай, пинҳон сиринг бор, қайтма ҳеч,
Руҳга не қўрқув қаҳр ангомидин?!

Мардлигу озода ҳулқ ҳушдир, Омон,
Эркин ўғли хейвақий исломидин.

***

«Нега шеър ёзасиз?» дединг оҳиста,
Ногоҳ сўзларингни ёритди чақмоқ.
Тўртта томчи қўнди гулранг юзингга,
Бир не деб қулади ерга қалдироқ.

Мана, дедим, илҳом, камалак, яшин!
Аммо бир зумлик ўт шеър бўлмас ҳали.
Олам сирларидан имдод сўрайман
Чақмоқ кўзларингни сўзда айттали.

***

Қаерда сафарда бўлмай, воажаб,
Лондонми Истанбул, майли, Парижда,
Доим кузатаман, юртдошларимиз
Арзонроқ дўконни излар хорижда.

Тўғри, камхаржроқмиз ҳозирча андак,
Сайлаш-савдолашиш асли эмас ор.
Доим арзонига чопаверишнинг,
Лекин сал оғирроқ бир томони бор:

Истибдод чекинди.
Аммо бир касри
Даҳшатта солмоғи шарт баримизни:
Шунча вақт эзгани бир ёқ,
ёмони —
Паст этиб кетибди назаримизни!

***

Кимдир нима қўйсанг ер, қилмас ғашлик,
Кимга бад таомдин афзалдир очлик,
Аммо эл бошига биттан балодир
Ўғрию каззобга ноширик бошлиқ.

***

Нега Хоразмда қўшнай кўп дединг,
Ҳечким саволларни жўрттага йиғмас,
Қон, кўз ёши оғушт Хоразм ери —
Унинг нолалари бир найга сиғмас.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ҳиндистоннинг машҳур
"GANGA CARGO MOVERS
private Limited"
фирмаси сизларга ўз хизматларини
тавсия этади:
— Деҳли шаҳридан Тошкентга товарларингизни тез ва қисқа муддатларда етказиб беришга кафолат беради.
Шунингдек, турли хил халқ истеъмол буюмларини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Мурожаат учун манзил:
Ҳиндистон, Деҳли ш. 252, "Паншель" тижорат комплекси,
Тел: (001) 6464668, 6229434
Факс: (001) 6440178.
Тошкент шаҳрида, Дилхуш кўчаси, 2-проезд, 12-уй.
Тел: (3712) 776090.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

20 ФЕВРАЛДАН 10 МАРТГАЧА ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ — ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
акрабатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жонглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР ИШ КУНЛАРИ СОАТ 10.00, 14.00, ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГ.
ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

"Ўзбекистон овози" газетасига иқтисодий, реклама-ахборот иловаси

ОСИЁ БОЗОРИ

Азиз газетхон! «Осиё бозори» ҳафталигида иқтисодиётга оид хилма-хил материаллар, барчага фойдали бўлган ахборотлар, рекламалар ва шахсий билдирувлар чоп этилади.

Агар Сиз ўз яқинларингизни туғилган кунлари билан муборакбод этмоқчи бўлсангиз, марҳамат, газетамиз хизматингизда. У Сизнинг қутловларингизни, шахсий эълон ва билдирувларингизни арзон нархда тез ва соз, кунглингиз истаган ҳолда чоп этади.

«Осиё бозори»да маънавий қадриятларимиз, ўтганларни ёд этишга оид мақолалар «Ёднома» рукни остида бериб борилади. Мазкур ҳафталик ҳар қандай реклама учун энг қулай ва арзон нашрдир.

Сиз жаҳон бозорига фақат «Осиё бозори» орқали чиқишингиз мумкин. У барча корхона ва меҳнат жамоасининг ишини нафақат Марказий Осиёга, балки МДҲ давлатларига ва бутун жаҳонга кўз-кўз қила олади. Сиз «Осиё бозори» орқали узингизга ҳамкор топишингиз мумкин. Хуллас, «Осиё бозори» тадбиркорларнинг бозорига барака олиб кирадиган газетадир.

Азизлар, «Осиё бозори»га марҳамат! Сиз бизга барча масалаларда 33-38-55 ва 33-79-14 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАРИ

ДУШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Хафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Саёҳатнома». Италия таассуротлари. 6-кўрсатув.
8.55 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Она тили.
11.00 «Абадият қушиғи». Публицистик кўрсатув.
12.00 «Еттиға етти». Телевизион танлов.
13.00 — 13.35 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Юксалиш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий ўқиш.
21.10 «Маърифатнома». Муборак Ҳаж зиёрати тараддудлари.
21.50 III. «Вақт хиёбонида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 «Соғиндим». Жўрабек Набиев куйлайди.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Муъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45 — 23.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси», «Хоразм». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
21.40 «Йигирма йил ўтгач». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Қимиз». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Тентек қуриқхонаси». Телефильм.
IV
17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 «Мусиқий учрашувлар». Татьяна Левина чалади (орган).
*
18.10 — 19.40 Туркия телеведениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 Еш ижрочилар чалади.
20.30 «5+1». Интерью.
21.00 «Таҳлил». Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.
21.15 «Спорт-тайм».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Оқ соя».
22.20 — 23.00 «Кимга қанақа?».

СЕШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Соғиндим». Жўрабек Набиев куйлайди.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тоғлар чорлайди».
9.10 «Қизиқарли учрашувлар». Мусаввир Азиза Маматова билан мулоқот.
9.40 Биржа ва банк хабарлари.
10.00 «Соғлом авлод учун!» Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.30 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
13.00 — 13.30 «Мен сизни суюбман». Мусиқий композиция.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат гунчалари». Кичкинтойлар учун концерт.
18.45 «Шеърият». Салим Ашур.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Қимматли қоғозлар бозори». Публицистик кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий ўқиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 1-кўрсатув.
21.40 Мумтоз куйлардан концерт.
22.15 «Акс-садо». Қуддус Аъзамнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.55 «Адашлар». Кинокурсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 «Ғазалхон-ёшлигим».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигох».
23.15 — 00.15 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қишлоқ йўлка жилолари», «Гиламлар ҳақида достон». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.20 — 21.40
*
21.40 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Бу ажиб дунё».
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Сўх дарёси бўйида». Телефильм.
IV
17.05 «Миллий анъаналар». Пазандачилик.
17.40 «Саломатлик — туман бойлиги».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45— 23.35 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Ғазалхон-ёшлигим».
9.00 «Дардларга малҳам бўлай деб...» Гинеколог-хирург Аллома Насриддинова. Телеочерк.
9.30 «Ишбилармон». Интилиш самаралари. Телеочерк.
10.00 «Адашлар». Кинокўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Табиатшунослик.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Зоология.
*
12.00 — 14.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий ўқиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 2-кўрсатув.
21.30 «Узбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар телетанлови.
21.50 «Учрашув». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева.
22.35 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.25 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Қулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор байрами». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг»
***
18.00 — 21.40
*
21.40 «Баҳор арафасида». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Қуғирлик мусаввир». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.05 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
IV
17.05 «Мўл ҳосил омили». Сурхондарё вилоятидан кўрсатув.
17.30 «Эстрада калейдоскопи».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Эллада».
21.00 «Кўнгилнинг етти кўзи». Дам олиш кўрсатуви.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сирдошим». Узбекистон телевидениесининг шарҳловчиси Севара Турсунова билан суҳбат.
22.10 — 23.10 «Тошкент оқшомида»

ПАЙШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Учрашув». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаева.
9.15 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.35 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
11.30 Шифокор экрани. «Тери касаллиги ва уни даволаш усуллари».
*
12.00 Бир актёр театри. Орзиқул Эргашев. «Она мехри».
12.30 Булоқлар кўз очганда. «Эзгулик йўлида». Телеочерк.
13.00 — 13.30 «Гул кўп, чаман кўп». «Ипакка боғланган кўнгил».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
18.40 «Биламиз-у, аммо...» Телемунозара.
19.15 Диққат, премьера: «Чемпион билан мулоқот» («Узбектелефильм»).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Узбекистон Олий Мажлиси депутати, Самарқанд туманн ҳокимаси Раҳима Ҳакимова билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий ўқиш.
21.10 Табаррук қадамжолар. «Уйғонади руҳда бир дунё...» 3-кўрсатув.
21.30 «Аёл ғузаллиги — оламни безар». Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам дастури.
23.00 Диққат, премьера: «Баҳтим, сени куйлайман». Фильм-концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.50 «Гап йўқ».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдузли механика».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигох».
23.25 — 00.25 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Балиқчи қушлар». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.00 — 21.40
*
21.40 «Оқ йўл!». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 — 00.20 «Таушен». Телефильм.
IV
17.05 «Тадбиркорлик мактаби». Бизнес-план.
17.35 «Ёшлик оқшоми». Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланади.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 Монитор — «Осиё».
22.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.15 «Кинематограф».

ЖУМА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Аёл ғузаллиги — оламни безар». Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам дастури.
10.00 «Шариф ва Маъруф». Бадиий фильм.
11.10 «Сеҳрли муйқалам». Болалар учун қизиқарли дастур.
11.40 «Мен сизни ардоқлагум...» Мушоира.
12.05 «Гап йўқ».
13.05 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильмлар.
13.35 «Эҳ, аёллар». Юмористик кўрсатув.
13.55 «Биламиз-у, аммо...» Телемунозара.
14.30 «Онажоним — жонажоним». Кичкинтойларнинг байрам дастури.
15.00 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.
15.40 «Эй, чехраси тобонлар». Адабий кўрсатув.
16.15 Дилором Қаюмова куйлайди.
16.45 «Голиб курси». Телевизион ўйин.
17.35 Диққат, премьера: «Қўшиғимда яшар муҳаббат». Фильм-концерт.
*
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Меҳри қуёш — онажонлар!»
18.40 «Фақат қизлар учун!» Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Саодатли сайёралар». Кинокомпозиция.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бадиий ўқиш.
21.10 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
22.55 «Зебо». Қизлар тележурнали.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 «Ўхшаш чехралар».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Муаллиф».
18.45 «Ривоят».
18.55 «Офарин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «RAKS» тақдим этади.
20.10 «Эртага — шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «RAKS» тақдим этади.
21.15 «Мафтункор чехралар».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кирпи ва бошқалар ҳақида». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
***
18.20 — 21.40
*
21.40 «Учрашув». Бадиий фильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Мерос». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 «Пирим ороли». Телефильм.
IV
17.05 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.20 «Интердиалог».
21.00 «Бизнес-академия».
21.25 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга. «Тушларим қироличаси».
22.15 «Камертон». Профессор Ғалина Шеглова ҳузурида меҳмонда.
22.35 «Мардона қизлар». Публицистик кўрсатув.
23.15—23.55 «Тилакларимиз Сизга...»

ШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Халқаро Хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
10.15 «Пойингизга меҳрим поёндоз». Адабий театр.
10.50 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Баҳт изловчи Ҳасан».
11.40 «Икки буюк тақдир». Амир Темур ва Бобур Мирзо. Адабий-маърифий кеча. 1-кўрсатув.
12.30 «Ўхшаш чехралар».
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30—15.00 «Таранним». Мусиқий дастур.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ердамчилар». Мультфильм.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.05 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Узбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар телетанлови.
21.25 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
22.05 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.40 «Компьютер-Осиё».
10.15 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
11.05 «Автосалон».
11.25 «Сизнинг услуб».
11.40 «Юлдузли механика».
12.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.30 «Кинонигох».
14.10 — 15.10 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео — «О».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Чавандозлар байрами», «Этюд». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
21.40 «Оқ ёл ҳақида қисса». Бадиий фильм.
*
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50 «Чанг соҳиби». Телефильм.
IV
10.00 «Том Сойер ва Геккельбери Финн саргузаштлари». Болалар учун фильм. 1-серия.
11.15 Эълонлар.
11.20 «Аёллар». Телеочерк.
11.50 «Узбекистон — умумий уйимиз».
12.30 — 13.00 «Театр учрашувлари». М. Горький номидаги Фарғона вилоят театри.
***
17.05 «Безнен-мирас» (татар тилида).
17.40 «Азизам менинг...» Киноконцерт.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташирф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.20 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
11.40 «Икки буюк тақдир». Амир Темур ва Бобур Мирзо. Адабий-маърифий кеча. 2-кўрсатув.
12.25 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.05 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.40—16.00 Тўфон Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қудуқ». Мультфильм.
18.10 «Номинг дилимда, Ватан!» Болалар учун адабий композиция.
18.50 «Замон».
19.05 «Ойнаи ҳаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Саёҳатнома». Италия таассуротлари. 7-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.05 «Даллол». Бадиий фильм.
23.15 «Баҳор». Манзарали фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.30 Лирик концерт.
II
9.00 «Эртак».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Ривоят».
9.40 «Офарин».
10.10 «RAKS» тақдим этади.
10.50 «Мафтункор чехралар».
11.15 «Таманно».
11.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
12.15 «Оҳанглар оғушида».
12.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
13.15 «Имкон чўққилари